Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

31 ИЮЛЬ, ШАНБА

№ 149 (644). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

КЕЧА ХИТОЙ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРИШДИ


30 июль куни Хитой Халқ Республикаси Халқ вакиллари Умумхитой Мажлисининг делегацияси расмий дўстона ташриф билан Ўзбекистонга келди. Делегацияга Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Темур Давомат бошчилик қилмоқда. Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Ҳ. Халилов, Олий Кенгаш қўмиталарининг раислари П. Қ. Ҳабибуллаев, Т. А. Ешимбетова, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. С. Зиёмов ва бошқа расмий кишилар илиқ кутиб олдилар.

Халқ вакиллари Умумхитой Мажлисининг делегацияси 4 августга қадар диёримизда меҳмон бўладилар. Сафар дастурига биноан хитойлик қардошлар икки давлат парламентларнаро алоқаларни ривожлантириш тадбирларини режалаштириш, парламент ишига доир тажриба алмашишга бағишланган суҳбатлар ўтказадилар, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор гўшаларида, Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида, «Ташинтерм» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида, Тошкент вилояти хўжаликларида бўладилар, бир қатор вазирликларнинг раҳбар ходимлари билан учрашадилар. Бухоронинг осори атиқалари билан танишадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул

Хитой Халқ Республикаси Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси доимий қўмитаси Раисининг ўринбосари Темур Давомат бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси делегацияси кунининг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинди. Дўстона ва самимий рухда ўтган қабул чоғида Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев меҳмонларга мустақиллик йўлидаги илк қадамлар, парламентнинг мустақилликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашувчи, жаҳон бозорида муомала қилишга йўл очувчи, чет эл сармоялари учун қулай кафолатлар яратувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдаги тажрибаси хусусида гапириб берди, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳар икки томон манфаатларини кўзловчи масалалар тўғрисида суҳбатлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Кечқурун Халқ вакиллари Умумхитой Мажлисининг делегацияси шарафига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши номидан зиёфат берилди.



Ўзбекистон районидаги Муқимий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил эл дастурхонига 7 минг тонна сабзавот етказиб беришни режалаштирганлар. Айни кунда далаларда иш қизғин. Эртанги сабзавот топшириш қизғин бораётган бир пайтда кечки сабзавотларни экиш, парваришлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Сабзавоткорлар оғирини енгил қилишда республикада хизмат кўрсатган механизатор, 33 йилдан буён техника жиловкори Содиқжон Каримовнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

СУРАТДА: моҳир механизатор, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Содиқжон Каримов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• *Ҳамкорлик робиталари*

«ТОШИНТЕРМ»: МУСИҚИЙ ТЕРМОС

Машҳур «Тошинтерм» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси рўзғор термослари ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасликка қарор қилди. Бу маҳсулотларга талаб катта бўлишига қарамай, корхона тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган қўшма компаниянинг ҳаммуассиси бўлди. Иккинчи томон — Покистоннинг «Аҳмад Ғани Корпорейшн ЛТД» фирмасидир. Ўзбекистонликлар республика мустақиллигининг икки йиллиги арафасида дўконларимиздан эркаклар кўйлаклари, шимлар, чойшаблар ва бошқа кўп маҳсулотларни харид қилишлари мумкин бўлади.

«Тошинтерм» маҳсулотларини таърифлашга ҳожат йўқ. Бу маҳсулотлар тўрт йилдан буён кўпгина мамлакатларнинг бозорларида сотилмоқда. Лекин республикадаги ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларидаги қийин иқтисодий вазият қўшма корхонадаги ишбилармонларни янгича ҳаракат қилишга ундади. «Аҳмад Ғани Корпорейшн» қадрсиз рубль учунгина ишламоқчи эмас. Бу ердагилар замонавий технология, машина-ускуналар ҳамда ходимларнинг малакаси учинчи мамлакатлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ва шу йўл билан йилига 3,5 миллион доллар фойда олишга имкон беришига ишонадилар.

Бугина эмас. Яқин кунларда Тошкентдаги «Болалар дунёси» фирма дўконлари тизимига мусиқий қурилмаси бўлган автомат ўйинчоқларнинг тажриба туркуми сотишга чиқарилади. Улар «Тошинтерм» цехларидан бирида тайёрланган.

Энди зинг қизиқарли маълумотларни келтирамиз. Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси мусиқий қурилмаси бўлган термосларнинг тажриба туркумини чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Тасаввур қилиб кўринг-а: тугмачани боссангиз пиёлага қайноқ чой қуйилади ва айни пайтда ёқимли куй янграйди.

Маълумки, «Тошинтерм» бутловчи маҳсулотларнинг бир қисмини Хитойдан олади. Тўғри, Хитойга ҳам кўп маҳсулот жўнатилади, бу битимда кўзда тутилган. Бироқ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига маълум бўлишича, юк машиналаримиз қўшни мамлакатнинг Хитой билан чегарасида бир неча кунлаб туриб қолмоқда, бу эса икки томонлама шартномага салбий таъсир қилмоқда. Бундай бўлмаслиги керак, албатта. Аммо афсуски... Бундай можаролар такрорланмаслиги учун Тошкентдаги бош корхонада ойнали колбалар ва махсус шиша идишлар ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди. Демак, «Тошинтерм» маҳсулот етказиб берувчиларга унчалик қарам бўлмайди. Янги корпус анчагина қимматга тушади — уни қуришга 1 миллиард сўм сарфланади. Янги завод «Тошинтерм» олган фойда ҳисобидан барпо этилмоқда.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТУРТКУЛ ШАҲРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасининг биринчи пойтахти бўлган Тўрткўл шаҳрининг республика тарихий, ижтимоий ва маданий тараққиётида тутган муҳим ўрнини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши, кўплаб меҳнаткашларнинг таклиф-истакларини эътиборга олиб:

1. Тўрткўл шаҳрида байрам тантаналарини ўтказиш 1993 йил ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигига белгилансин.

Байрамни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита илова этилаётган рўйхат асосида тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши ҳамда ташкилий қўмита тақдим этган таклифлар асосида зарур чора-тадбирлар тизимини ва сарф-ҳаражатлар миқдорини белгиловчи қарор лойиҳасини ҳозирласин.

3. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 30 июль.

ТУРТКУЛ ШАҲРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА РЎЙХАТИ

Жўрабеков И. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қўмита раиси

Аширбеков У. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, қўмита раисининг муовини

Йўлдошев Р. Й. — Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси, қўмита раисининг муовини

ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ

Аҳадов А. А. — Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банки бошқарувининг раиси

Боқибоев Э. Ж. — Ўзбекистон Республикаси молия вазири

Волков Г. Г. — Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика уюшмаси раиси

Қаюмов Н. Қ. — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири

Михайлов В. К. — Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазири

Отажонов А. Б. — Президент девонининг етакчи консультанти

Ҳожиев Ғ. Н. — Тўрткўл тумани ҳокими

Ҳасанов Ғ. Б. — Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши давлат концерни раиси

Шарипов Т. Я. — Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат акционерлик уюшмаси раиси

Эрматов Н. Э. — Урта Осиё темирйўли бошлиғининг биринчи ўринбосари

Юсупов И. Ю. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика ишлаб чиқариш давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси раиси

Юсупбоев К. Ю. — Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ҚУВВАТИ БИР ЯРИМ БАРАВАР ОШДИ

ТАХИЯТОШ дон маҳсулотлари комбинатининг ун ва гуруч цехлари қайта таъмирланди.

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ «Бюллер» фирмаси лицензияси билан тайёрланган унумли технологик ускуналар ўрнатилгач, меҳнаткашларнинг иши енгиллашди, маҳсулотнинг сифати яхшиланиб, ҳажми кўпайди. Энг муҳими — корхонанинг қуввати бир ярим баравар ошиб, ишдаги узилишлар бутунлай барҳам топди.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — ЭЪТИБОРДА



Самарқанд вилоят матлубот жамиятига қарашли консерва заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдорини кўпайтириш билан бирга унинг сифатига ҳам катта эътибор берилаяпти.

Бунда завод марказий лабораторияси ходимларининг хизмати катта бўлмоқда.

СУРАТДА: лаборатория мудири Гулнора Ҳайдарова.

ИШЛАЙМАН ДЕГАН БУШ ҚОЛМАЙДИ

ҚАДИМ қишлоқда кичик корхоналар кўпайиб, аҳоли учун қўшимча иш жойлари ауждга келаяпти.

АСАКА туманининг «Ғалаба» жамоа хўжалигидаги бу қишлоқда иш бошлаган консерва цехи эҳтиёждан ортган маҳсулотни қайта ишлаяпти. «Муҳандис» кичик корхонаси эса ип тайёрлашга киришди. Шунингдек, қишлоқ кишилари ишлаётган бўёч цехи, обжувоз, маҳаллий ҳунармандчилик устахоналари ҳам аҳолига хизмат қилмоқда.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК



ЖАРҚЎРҒОН ширкат бошқармаси тайёрловчилари ўз маҳсулотларини ўзаро манфаатдорлик асосида сотмоқдалар. Улар бу йилги мавсумда Россия шаҳарларига 4500 тонна сабзавот, 100 тонна мева жўнатдилар. Ширкатчилар айни кунда Ижевск шаҳрига 45 тонна тар вуз жўнатишди. Бунинг эвазига эса туман деҳқонлари картошка уруғи оладилар.

ХОРИЖГА ОИЛА БИЛАН

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳукуматга қарашли бўлмаган алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамоат клуби тузилди.

УНГА «Френдшип форс интернешнл» («халқаро дўстлик кучлари») номи берилди. Ҳозир бундай клублар жаҳондаги 60 дан зиёд мамлакатда фаолият юритаяпти. Унинг вазифаси турли давлатларнинг оддий фуқароларига оиланий бориб, бошқа халқларнинг ҳаёти, турмуши, анъаналари билан танишиш имкониятини яратишдир. Клуб аъзоларининг аксарияти оддий АҚШлик дўстларининг таклифига биноан Америкага икки бор сафар қилишди.

ОТА-БОБОЛАР УСУЛИ ҚУЛ КЕЛДИ

ФАРҒОНА райони. «Иттифоқ» жамоа хўжалиги боғбонлари меваларни қўлбола усулда қуритишаяпти.

СУНГГИ беш-олти йилда катта-катта майдонларда олмазор, гилосзор, ўриклар, шафтолизор, олчазорлар яратилди. Бу йил ана шу боғлар қийғос ҳосилга кирди. Мева кўплигидан деҳқонлар ноилож қолишди. Колхознинг сабзавот-меванн консервалайдиган корхонаси идиш тақчиллиги туфайли тўла қувватда ишламаяпти. Четга олиб чиқиш учун эса транспорт, ёнилғи муаммоси кўндаланг. Шу боис мевани қуритиш ниятида махсус майдончалар қилинди. Уста боғбон яхши қуриган мевани ҳар маҳал сотса бўлишини биларди.

ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР ЯНГИЛИКЛАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ОКТЯБРЬ ТУМАНИНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қарор қилади:

Жиззах вилояти ҳокимининг илтимоси қондирилиб, Октябрь туманининг номи Зафаробод тумани деб ўзгартирилсин.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 30 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн учинчи сессияси 1993 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 июль.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

2. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

4. «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

5. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

6. «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

7. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида.

9. Ўзбекистон Республикасининг орденлари ва медаллари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.

10. «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

11. «Ўзбек имлосини лотин графикасига ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

12. «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.

13. Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бир қаторда депутатларнинг муҳокамасига амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш, халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш, шунингдек Олий Кенгашнинг ваколатига кирувчи бошқа масалалар юзасидан ҳужжатлар киритиш таҳмин қилинмоқда.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

29 июль куни Республика Вазирлар Маҳкамасида Германия Федератив Республикасининг «Сименс» ҳиссадорлик жамияти делегацияси аъзолари билан якунловчи учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Республика вазирлик ва идораларининг вакиллари қатнашдилар. Суҳбат чоғида германиялик меҳмонлар кўрсатилган эътибор ва иззат-икромдан мамнуният изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси билан «Сименс» ҳиссадорлик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекилди. Ҳужжатларни республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов ҳамда «Сименс» компанияси делегацияси бошлиғи, телекоммуникациялар тармоғи департаментининг раҳбари Вольфганг Бухгольц имзолашдилар.

(ЎзА).

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори Саттор ИБОДУЛЛАЕВ билан мулоқот

— Жамҳуриятимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг янгиланиши, тараққиётнинг янги босқичга кўтарилиши билим даргоҳлари олдига ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашдек янги талаб ва вазифалар қўймоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган билим даргоҳида ана шу мақсад ва вазифалар қандай рўёбга чиқарилмоқда?

— Жамиятимизда катта ўзгаришлар бўлаётган айни даврда давлатимиз ва халқимиз ёш авлодга катта умид боғламоқда. Она юртимизнинг ёшлари ота-боболаримизнинг бой илмий меросини изчиллик билан ўрганиши, жамиятимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиши ўзбек халқини бутун дунёга танитади. Келажак умиди ёш авлодимиз билан бирга ўсиб-ўлғаяпти.

Республикамизда энг кекса билим даргоҳларидан бири бўлган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси ҳозирги кунниг улуғвор вазифаларини тўла тушунган ҳолда ўқув жараёнларини такомиллаштириш, талабаларнинг чуқур билим олиши учун тўлиқ шарт-шароит яратиш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун тинмай изланмоқда. Бизнинг олийгоҳимиз асосан қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайди. Маълумки, жумҳуриятимиз иқтисодиёти кўпроқ қишлоқ хўжалигига таянади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги технологияларни жорий этишда биз билим бераётган ёшларнинг савиясига, иқтидорига боғлиқ. Гап шундаки, ҳозирги замон мутахассиси ўз соҳасига доир билимларни эгаллаш билан бирга у сиёсий онгли, маданиятли, ижтимоий ҳаётга фаол аралаша оладиган, маънавий дунёси бой бўлиши керак. Яқинда олийгоҳ қошида мактаб-лицей очилди. Андижон гидромелиорация техникуми коллежга айлантирилди. Бу жойларда ўқитиш ишларини йўлга қўйишда олийгоҳимиз профессор ва ўқитувчилари ёрдам кўрсатишмоқда.

Эндиликда 9-синфни тугатган ёшлар олийгоҳимизга кириб ўқиши мумкин. Мухандислик касбига бўлган иқтидорига қараб, дастлаб лицейда, сўнгра коллежда ва кейинчалик эса бакалавриат ва магистратурада ўқиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, олийгоҳимиз қошида «Мактаб-лицей», «Тажриба хўжалик», инглиз тилини мукаммал ўргатадиган бизнес-лицей — «Интернейшнл Хаус», ЛТД фермер хўжалиги каби ёрдамчи корхоналар ташкил этилди ва уларнинг кўпчилиги янги ўқув йили бошланиши билан иш бошлайди. Булар олийгоҳнмизда таълим олаётган талабаларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига маълум ҳисса қўшади.

Олийгоҳимиз маъмурияти ўқитиш ишларини такомиллаштириш устида иш олиб борар экан, мутахассислар тайёрлайдиган анъанавий услублардан фойдаланиб, замонавий ўқитиш тажрибаларини ҳам қўлламоқда. Жумладан, Мелиорация ва сув мер-деҳқон, фермер-чорвадорларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Келгуси ўқув йилидан бошлаб фермер иқтисодчиларни тайёрлаш бошланади. Сув тошқини ва унинг олдини олиш бўйича инженер-мутахассислар тайёрлаш концепцияси ва ўқув дастури устида иш олиб бориляпти.

Шу йилдан бошлаб республикамиз учун кнчик гидроэлектростанцияларни қуриш ва ундан фойдаланиш бўйича менежерлар, агросаноат комплекси учун иқтисодчилар, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштнриш бўйича ўқитувчи-муҳандислар тарбиялаш ишлари амалга оширилмоқда.

Талабалар ўзларининг назарий билимларини амалиётда синаб кўришлари учун жараённда стипендияга қўшимча 25 фоиз ҳақ тўланади. Абитурентларни тест усулида, режа асосида ўқишга қабул қилиш ҳам талабаларнинг илмини яхшилаш, замон талабига жавоб берадиган муҳандис кадрлар тайёрлашда асосий омил бўлади.

— Айни кунларда абитуриентларни ўқишга қабул қилиш жараёни кечмоқда. Бунга қандай тайёргарлик кўрилди? Ўқишга қабул қилишда қандай янгиликлар қилинди?

— Бўлғуси талабаларни ўқишга қабул қилиш учун олийгоҳимизда тест маркази тузилди. Ҳамма фанлар бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар ана шу тест маркази орқали амалга оширилади. Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, ёшларни танлашда уларнинг билим савиясига катта эътибор берилади. 6 йилдан бери институт қошидаги лицей-тажриба мактаби унумли иш олиб бориб, ўрта мактабларнинг 10 — 11-синфлари дастури бўйича олийгоҳимизга муносиб талабалар тайёрлаб бераяпти. Шу кунгача 862 нафар ўқувчи шу лицейни битириб чиқди. Лицейда юқори малакали илмий унвон ва даражага эга бўлган 45 нафар педагог машғулот олиб бораяпти. Ушбу лицей ўқувчиларга қўшимча равишда ЭҲМ дастурчи-оператори, иқтисодчи-ҳисобчи, автотранспорт ҳайдовчиси каби мутахассисликларни эгаллашда ҳам ёрдам беради.

Айни кунда кириш имтиҳонларини тест асосида ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Бу усул кириш имтиҳонларини жадаллаштириш ва адолатли бўлишига ёрдам беради. Кўпгина ёшлар қишлоқ мактабларида таълим олаётганини ҳисобга олиб, олийгоҳимиз уларга умумтаълим фанлари бўйича, айниқса физика ва математика фанларидан кўмаклашмоқда. Олийгоҳимиз уларга ўқув хоналаридан, ҳозирги замон ҳисоблаш техникаси воситаларидан, амалий машғулот лабораторияларидан фойдаланиш имконини берган. Улар уч маҳал овқат, бошқа шаҳарлардан келганлар эса ётоқхоналар билан таъминланди.

— Сизларда таълим олган мутахассислар малакаси ва савияси ҳозирги замон талабларига жавоб бермоғи шарт. Бунга эришиш учун ривожланган мамлакатларнинг ўқитиш тажрибаси қўл келади. Чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?

Албатта биз бу борада ҳам анча ишларни амалга ошираяпмиз. Американинг Миссисипи дорилфунуни билан тузилган шартнома педагогларимизнинг иш ўрганишига, фермерлар тайёрлаш ишининг яхшиланишига, кичик корхоналар учун мутахассислар тайёрлашга катта ёрдам бераяпти. Бу дорилфунуннинг олим ва мутахассислари бизнинг олий ўқув юртимизда икки марта бўлишди. Улар ўқув тажриба хўжалигида синаб кўрнш учун 4 кнлограмм чигит олиб келдилар. Бу Американинг пахта навларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш мумкинлигини аниқлашда ёрдам беради.

Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб талабаларга иқтисодий, ҳисоблаш билимларини ўргатадиган Англия-Ўзбекистон қўшма лицейн — «Интернейшнл Хаус» иш бошлайди. У Англиядаги «Интернейшнл Хаус — Ўзбекистон» акционерлик жамияти билан келишилган ҳолда ташкил этилди. Бу лицейнинг ўқув дастурлари ушбу акционерлик жамиятининг Лондон инглиз тили олийгоҳининг Москвадаги бўлими томонидан тайёрланган. Биринчи ўқув йилида лицей ўқувчилари умумтаълим мактаблари дастурлари билан биргаликда инглиз тилини чуқур ўрганадилар. Сўнгра халқаро талабларга мос билнмлар оладилар. Улар учун ҳозирданоқ бино ва керакли ўқув қуроллари ажратилди, барча шароитлар яратилмоқда. Биринчи навбатда 40—50 нафар ўқувчи Америка услубидаги тест синови асосида қабул қилинади. Иккинчи йили улар Американинг Лос-Анжелос шаҳрида 6 ой давомида таълим оладилар. Америка томони уларнинг йўл харажатларидан ташқари яшаш, овқатланиш ва ўқишига сарфланадиган харажатларни ҳам ўз зиммасига олади.

— Олийгоҳда ўқув жараёнини такомиллаштириш билан биргаликда талабаларнинг ижтимоий ҳимоялашга қандай эътибор берилаяпти?

— Талабалар самарали билим олишлари учун маданий ва маиший шароитлар яратиб бериш — бизнинг вазифамиз. Ҳукуматимизнинг ёш авлодга бўлган доимий эътибори туфайли яшаш жойига муҳтож бўлган талабаларимиз ҳамма қулайликларга эга бўлган меҳмонхона услубидаги ётоқхоналар билан таъминланганлар. Ҳозирги моддий қийинчиликларни эътиборга олган ҳолда олийгоҳимиз маъмурияти Мирзо Улуғбек туманн ҳокимияти билан келишган ҳолда талабаларга бериладиган унни марказлашган тартибда сотиб олиб, нккита новвойхона ташкил этди. Талабаларга 5 сўмдан иссиқ нон сотиш йўлга қўйилди. Олийгоҳимизнинг ўқув-тажриба хўжалиги талабалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради. Бу маҳсулотлар олнйгоҳ қошидаги дўконларда сотилади. Институт қошида «Ғамхўрлик» жамиятининг саноат моллари дўкони ишлаб турибди. Ундан тушган маблағ муҳтож талабаларга, уларнинг оналарига ёрдам учун сарфланяпти.

Яқинда ўқув-тажриба хўжалиги учун ерёнғоқ тозалайдиган, пиёз, олма, майиз, карам каби маҳсулотларни қайта ишлайдиган Америка ва Исроил кичик заводи сотиб олинди. Бу заводнинг тайёрлаган маҳсулотн талабаларга сотилаяпти. Унинг нархи давлат нархидан анчэ паст.

Талабаларни ижтимоий ҳимоялаш билан бирга тарбиявий ишларни фаоллаштириш, уларнинг маънавий дунёсини кенгайтириш учун олийгоҳда ёшлар маркази қайта ташкил этилди. Бу ташкилот олийгоҳ маъмурияти билан шартнома имзолади. Бунда уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларининг асосий йўналишлари кўрсатилган. Ёшлар маркази талабаларнинг ахлоқий тарбиясини яхшилаш мақсадида миллий муносабатларнинг хилма-хил шаклларини юзага чиқармоқда. Бу ерда ёзувчилар, шоирлар, адабиёт ва маданият намояндалари, етакчи олимлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ва сув хўжалиги қурилишларининг ташкилотчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб турилади.

Билим даргоҳимизда маънавий муҳитни соғломлаштириш, онгли тартиб-интизом ўрнатиш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш йўлида тинмай иш олиб борилмоқда.

— Мулоқотимиз сўнггида талабаларга қандай тилак, истакларингиз бор?

— Жумҳуриятимизда рўй бераётган ҳозирги ўзгаришлар ўзига хос хусусиятларга эга. Ёшларга билим бериш да, уларни замонавий билимдонлар қилиб тарбиялашда талай муаммолар вужудга келмоқда. Бу муаммолар самарали ва тезкорлик билан ечимини топишда олий билим даргоҳлари мутахассислари матбуот орқали фикр алмашиб туроалар мақсадга мувофиқ бўларди. Суҳбатимиз охирида талабаларга мурожаат қилиб, шоиримиз Ғафур Ғуломнинг бир сатр шеърини келтирмоқчиман:

Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Суҳбатдош: Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон 24 соат ичида

Президент Б. Клинтон чоршанба куни бундай деди: «Агар Босниядаги БМТнинг тинчликни сақлаш кучларини ҳимоя қилишни сўрасалар, АҚШ ўз авиация қудратидан фойдаланиш имкониятини жиддий равишда кўриб чиқади».

«Башарти, БМТнинг Босниядаги кучларига ҳужум қилинса, биз шу кучларни ҳимоя қилиш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариб, самолётларни ишга соламиз, — деб таъкидлади у.

* * *

АҚШ конгресси вакиллар палатасининг қуролли кучлар ишлари комитети 1994 молия йилида ҳарбий мақсадлар учун 263 миллиард доллар пул ажратиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

Клинтон маъмурияти айни шунча маблағ сўраган эди. Кейинроқ палата Мудофаа вазирлигининг аниқ-равшан ҳарбий дастурларига пул ажратиш ҳақидаги илтимосини ҳам муҳокама қилади.

Кэмбит Пентагоннинг тинчликни сақлаш соҳасидаги халқаро ҳаракатларига 111 миллион доллар ажратиш ҳақидаги илтимосини ҳам маъқуллади.

* * *

Ироқнинг ракета синаш полигонларидан бирига кузатиш аппаратлари ўрнатилди, деб хабар қилади Рейтер ахборот маҳкамасининг мухбири Бағдоддан.

БМТ мутахассислари гуруҳининг раҳбари Б. Эккертнинг айтишича, иш ҳали тугаллангани йўқ, чунки асбоб-ускунанинг электр тармоғи ишини ҳали охирига етказиш зарур. Гуруҳ раҳбарининг сўзларига қараганда, ироқликлар бу ишда ўзларининг энг яхши фазилатларини кўрсатишди.

* * *

Туркия Республикаси Озарбойжонга тинчликни сақловчи халқаро кучлар юборилишини қўллаб қувватлади, деди нечта Бош вазир Тансу Чиллер.

У Истанбулда мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Арманистонга нисбатан халқаро жазо чоралари жорий этиш кераклигини ҳам айтди. Бу масалалар БМТда дарҳол кўриб чиқилишини талаб қиламиз, деди Т. Чиллер.

Туркия радиоси ва телевидениесининг хабар қилишича, ҳозир Анқара Озарбойжондаги агрессияга чек қўйиш учун дипломатия соҳасида зўр бериб ҳаракат қилмоқда.

* * *

Исроил армиясининг Жанубий Ливанда тўрт кундан бери тинимсиз давом этаётган жанговар ҳаракатлари тобора ҳаққий уруш тусини олмоқда.

БМТ муваққат кучлари расмий вакили берган маълумотларга қараганда, ўтган уч кун мобайнида исроилликлар Ливанга салкам 500 марта осмондан ҳужум қилдилар. Ўн мингдан ортиқ снаряд Жанубий Ливан қишлоқларини қултепага айлантирди. 75 киши ўлди, салкам 400 киши яраланди.

* * *

Иордания подшоҳи Ҳусайн бугун «Ал ҳаёт» газетасида босилган суҳбатида «Исроилнинг Ливан жанубидаги хатти-ҳаракати тезроқ тўхтатилишига» умид билдирди.

Бу хатти-ҳаракатлар Яқин Шарққа оид сулҳ музокараларига салбий таъсир ўтказиши мумкин, деди у.

* * *

Марокаш Ливандаги воқеаларни жуда ташвишланиб кузатмоқда, дейилади Марокаш Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилининг бу ерда тарқатилган баёнотида.

Марокаш ҳукумати Исроилнинг Ливан суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига қарши тажовузини қатъиян қоралайди, дейилади баёнотда.

Фаластин озодлик ташкилоти Ливанни қўллаб-қувватлаш учун олий даражада умумараб кенгашини чақирнш зарурлигинн билдирди.

* * *

Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар вазири Амир Мусо Миср пойтахтида журналистлар билан бўлган учрашувда Ливан можаросида қатнашаётган барча томонларга мурожаат этиб, Яқин Шарқдаги сулҳ жараёнига имконият беришни таклиф қилди.

Миср вазири Исроилдан Ливандаги барча ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхатишни яна бир бор талаб қилди.

* * *

Марокаш ҳукумати Исроилнинг Ливан суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига қарши тажовузини қатъиян қоралайди, дейилади баёнотда.

Фаластин озодлик ташкилоти Ливанни қўллаб-қувватлаш учун олий даражада умумараб кенгашини чақирнш зарурлигинн билдирди.

* * *

Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар вазири Амир Мусо Миср пойтахтида журналистлар билан бўлган учрашувда Ливан можаросида қатнашаётган барча томонларга мурожаат этиб, Яқин Шарқдаги сулҳ жараёнига имконият беришни таклиф қилди.

Миср вазири Исроилдан Ливандаги барча ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхатишни яна бир бор талаб қилди.

* * *

Берлин суди М. Горбачевни ГДРнинг собиқ раҳбарлари судида гувоқ сифатида қатнашишга таклиф этди.

Рейтер ахборот маҳкамасининг ҳабар қилишича, у ГДР собиқ раҳбарларининг чегарадан қочиб ўтаётганларга ўқ отиш ҳақида буйруқ беришларига Москванинг дахлдорлиги масаласи хусусидаги саволларга жавоб бериши керак.

Солиқ сиёсати

ИШ БИЛГАН АЙБДОР ҚИДИРМАЙДИ

БЕКОБОД нафақат пойтахт вилоятида, балки республикада нирик саноат шаҳарларидан ҳисобланади. Ўзбекистон металлургия, цемент корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар аллақачонлар МДҲ давлатларн ва узоқ хорижга маълуму машҳур. Шу боис уни ҳамиша иштнёқ билан харид қилишади. Бироқ ҳозирги иқтисодий оғир шароитда ҳам шаҳардаги юзлаб катта-кичик корхона, ширкатлар, хусусий ишбилармонлар давлатга тўланадиган солиқларни тўғри ҳисоблаб юқдмотга ўтказишга панжа орасидан қарашаяпти.

Аввалги тафтишларда сарф-харажатларни ошириб кўрсатиш, даромаднинг маълум қисмини ҳисобдан тушириб қолдириш ҳоллари аниқланган бўлса, қайта текширувларда ана шу камчиликлар яна такрорланганн маълум бўлди. Шу боис Тошкент вилояти солиқ бошқармаси барча шаҳару районлардаги солиқ тўловчиларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тез-тез семинарлар, учрашувлар уюштиришга қарор қилди. Яқинда бошқармаиинг етакчи мутахассислари Бекобод шаҳрида навбатдаги давра суҳбатини ўтказишди. Унда юздан зиёд корхона раҳбарлари, бухгалтерларн иштирок этишди. Мухбиримиз улардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширди.

Турсунбой ДОНАБОЕВ,
Бекобод шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғининг муовини:

— ЖОЙЛАРДАГИ солиққа масъул одамлар солиқ снёсатнга совуққонлик билан қарашаётгани сир эмас. Уни тан олгилари келмаяпти. Аксинча бўлганда эди, бу тармоқдаги ўзгаришларни, кўрсатмаларни вақтида ўрганиб давлатга тегишли маблағни жойига қўйишга шошилишарди.

Солиқ тўловчи аввало умумдавлат миқёсидаги ишларда ўзининг ҳиссаси борлигини ҳис қилсагина иш ўнгидан келади. Бунга нималар киради? Армия, ички ишлар қўшинлари, маориф, олий ўқув юртлари, шифохоналар, болалар, қарнялар уйларини маблағ билан таъминлаш, кам даромадли оилаларни ижтимоий муҳофазалаш ва ҳоказолар. Ана шунда бу иш қанчалик хайрли эканлигини тушунади ва онгли муносабатда бўлади. Биз эса ҳозиргача ўша масъул шахсларни идорага чақириб, солиқларнинг аҳамиятини тушунтиришга анча вақт сарфланпмиз. Оқибатда режалаштирнб қўйган ишларимиз вақтида битмайпти.

Баъзи корхона раҳбарлари, бухгалтерлари солиқ инспекцияси ходимларини душман деб билишади. Ахир сиз яширган пулни топиб, ўз чўнтагимизга солаётганимиз йўқ-ку? Давлатга тегишлисидан яширманг, бу борада солиқчилар ишончин қозонинг. Ана ўшанда йилига бир марта ишингиз қай даражада тўғри-нотўғрилигини таҳлил қилиб берамиз. Хуллас, ҳар ким ўз ишини билиб қилгани маъқул.

Қанғир иш қирқ йилдан сўнг ҳам чиқишини унутмасанглар бўлгани. Айтадилар-ку, ҳар эчкини ўз оёғидан осадилар деб.

Норбўта МУСТАФОҚУЛОВ,
ғишт заводи бош бухгалтери:

— МЕН солиқчиларни айблаш фикридан йироқман. Улар қўлларидаги кўрсатмага мувофиқ иш юритишади. Аммо маъмурий-ҳуқуқбузарлик кодексида солиқ низомидаги ҳисоб-китобни икки кун кечиктирган бухгалтерга нисбатан қўлланадиган молиявий жазо бандига эътирозим бор. 14,4 минг сўм маош оламан. Шу билан оиламни боқаман. Ўзингизга яхши маълум, бухгалтерияда аксарият хотин-қизлар ишлайди. Кутилмаганда ўзи ёки боласи оғриб қолади, иккинчисининг кимдир оламдан ўтади. Табиийки, шундай пайтда улгуролмайсан киши. Хўш, нима қилиш керак? Ўзинг ўлиб-тирилиб ҳаракат қиласан. Аммо барибир графикка тушишга ожизлик қиласан. Кўпчилик буни билади, лекин тушунишни истамайди. Бирдан бош бухгалтер бўйнига 57,5 минг сўм (энг кам ойлик миқдорида беш баравар) жарима илишади. Шунча пулни топиш учун мен тўрт ой ишлашим керак. Жаримага тўласам, қозон-товоқни тўрт ой сувга ташлаб қўйишга тўғри келади-ку? Бола-чақани ким боқади?

Протокол тузнлгандан сўнг ўн беш кун ичида жарима тўланмаса, суд орқали ундирилади. Ахир меҳнат қонунлари кодексида маошдан ушлаб қолинадиган пул миқдори 50 фоиздан ошмаслиги таъкидланган-ку? Нега амал қилмаймиз? Қонун, низом, кодекслар одамлар учун ёзилади-ку? Унга ҳамиша ўзгартириш, қўшимчалар киритишнинг иложи бор. Ҳеч бўлмаганда ўша 57,5 минг сўм жаримани ўн беш кун ичида эмас, беш-олти ой давомида оздан ундириш ўйлаб кўрилса бўларди.

Султон ИНОЯТОВ,
шаҳар давлат назорати ходими:

— ДАВЛАТ назорати ходимлари ҳам шаҳардаги барча корхона ва ташкилотларни вақти-вақти билан тафтиш қиласяпти. Айниқса, солиқчилар текширган идораларда бўлганимизда уларнинг хулосалари билан ҳам танишаяпмиз, кўрсатилган камчиликлар тўғри. Буни инкор этиш нодонликдан бошқа нарса эмас. Бироқ бу ерда бошқа нарсани унутмаслик лозим. Тафтишга келган солиқчи шу соҳадаги энг сўнгги кўрсатма, йўриқнома билан қуролланади ва шу асосда текширади. Лекин корхонага бир-икки ой ичида бу йўриқнома етиб келадими, йўқми — худо билади. Шу боис камчилигу хатолар кўпайяпти. Аввало шу йўриқномаларнинг етиб келишидаги оралиқ муддат қисқариши керак. Ўша ҳужжатлар солиқчи билан баравар бухгалтернинг ҳам қўлига тегса, тушунмовчиликлар озаяди. Буни амалга ошириш осон эмас.

Шаҳарда ишбилармонлар уюшмаси тузилса-да, унинг қошида 2—3 кишилик кичик гуруҳ солиқ, божхона, молия идоралари билан боғланиб турса. Бирор ўзгариш бўлдими, уни дарҳол кўпайтирнб, корхоналарга етказиб бериш билан шуғулланса ёмон бўлмасди.

МУХБИР ХУЛОСАСИ:

Жойларда солиққчилар билан солиқ тўловчилар ўртасида тушунмовчиликлар борлиги ушбу давра суҳбати чоғида яққол кўринди. Томонларнинг гапларига қулоқ тутсангиз, ҳар иккиси ўзича ҳаққа ўхшайди. Солиқчиларни тушунши қийин эмас. Улар қонун, низомлар асосида иш юритишади. Солиқ тўловчилар эса баъзан ўзлари айбдор бўлмаган ҳолда тартиб-қоидага кўра, жарима тўлашга мажбур бўлаяптилар. Балки айрим бухгалтерлар билдираётган эътирозларининг мағзини чақиб кўриш керакдир? Ҳар ҳолда солиқ тизимини янада такомиллаштириш чоралари ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмасди.

Исматилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Мингбулоқдан катта нефть кони топилгани тўғрисидаги хабар барчамизни қувонтирган эди. Бироқ кейинги пайтларда шов-шувлар анча тингандек бўлди. Кўпчилик буни Мингбулоқнинг умри тугаганига йўйди ҳам. Биз эса бундайларга Мингбулоқнинг бугунги кунига яқиндан назар ташлашларини маслаҳат берамиз.

Сўнгги текширишлар Марказий Фарғонада 20 дан ошиқ нефть конлари борлигини кўрсатмоқда. Буларга мисол қилиб Бешариқ туманидаги Қум, Охунбобоев туманидаги Қора жийда, Қорақалпоқ, Гумхона, Қува туманидаги Анбаробод конларини кўрсатиш мумкин. Шулардан энг йириги бўлмиш Мингбулоқ нефть конида бугунги кунда амалга оширилаётган ишларга назар ташласак. Ҳозирги кунда конда 4 та нефть қудуғини новлаш ишлари қизғин амалга оширилмоқда. Бу ишда реслубликамиз парманловчиларига Россия билан тузилган шартномага кўра Волгоград вилоятининг Камышин парманлаш бошқармаси парманловчилари ёрдам бермоқда. Улар чет элдан келтирилган янги парманлаш ускуналари ва қувурлари ёрдамида илгари 2—3 йилда эришиладиган натижага 7—8 ойда эришишмоқда.

Мингбулоқдаги 6-парманлаш қудуғида Иван Сергеевич Егоранков бошлиқ парманловчилар бригадаси иш олиб бормоқда. Улар қудуқлардаги парманлаш ишларини 1650 метр чуқурликка етказдилар. Бу қудуқлардан 1994 — 1995 йилларга бориб «қора олтин» қазиб олиш режалаштирилган.

СУРАТДА: Парманловчилар гуруҳи парманлаш жараёнини кузатишмоқда: (чапдан-ўнгга) парманловчи ёрдамчиси Алексей Бондаренко, экспедиция технологи Александр Чистюхин, Плюшенко Федор ва парманловчи уста Геннадий Толстихин.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

(ЎзА).

ЗАРБДОР 50 КУНЛИК

«Фарғонатранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Марғилон автобус-таксометор парки шу соҳадаги энг кенжа корхоналардан бири ҳисобланади.

Корхона республикамиз мустақилликка эришган кунлари ташкил топган эди. Шунинг учун бўлса керак, навқирон жамоа ходимлари республикамиз мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб «Зарбдор 50 кунлнк» шиори билан майдонга чиқдилар.

Июль ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб ташаббускор жамоа тиғиз график асосида, зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Жамоа касаба уюшмасининг одатдаги йиғилишларидан бирида ҳайдовчилар мустақиллик байрамига муносиб совға ҳозирлаш учун зарбдор ўн кунликлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Ана шундай қилиб, ҳайдовчилар «Зарбдор 50 кунлик» ўтказиш тўғрисида карор қабул қилишди.

— Мусобақада фақатгина ҳайдовчилар иштнрок этибгина қолмайди, — дейди корхона раҳбари Аҳадхон Ҳакимов. — Унда жамоамизнинг ҳамма хизмат турлари ходимлари иштирок этишади. Мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш учун шартларнинг бажарилишини ҳар ўн кунда якунлаб,ғолибларни эълон қилиш ҳақида келишиб олдик. Биз кўрикда асосан ҳаракат хавфсизлиги, техника хавфсизлиги, автобус ва таксилардан унумли фойдаланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти соҳасидаги талаблар қандай бажарнлаётганлигини ҳисобга оламиз.

Мусобақага улуғ байрам — Мустақиллик куни арафасида якун ясалади.

С. НАВИЖОНОВ.

УЛАР АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасн тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, таълим соҳасидаги алоқаларимиз ҳам ривожланаётир.

Республика Халқ таълими вазирлиги билан Америкаиинг таҳсил ва тил ўрганиш бўйича ҳамкорлик ташкилоти — Акселс ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, иқтидорли ўқувчиларни Америкада таълим олишга жўнатиш учун саралаш тадбирлари ниҳоясига етди. Шу муносабат билан вазирликда тест синовларидан муваффақиятли ўтган 48 нафар ўзбекистонлик ўқувчини океан ортида таҳсил олиш учун кузатишга бағишланган тантанали учрашув бўлиб ўтди. Унда хорижга йўл олаётган ёшлар билан бирга уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этдилар. Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев синовдан муваффақиятли ўтган ёшларни табриклади, уларга тарбия ва таълим берган ота-оналар ҳамда мураббийларга миннатдорлик билдирди.

— Ўзбек ўқувчилари таҳсил олиш баробарида америкаликлар онласида яшайдилар, — деди Акселснинг Ўзбекистондаги вакиласи Мунаввар Олгун. — Бу эса ҳар икки халқнинг янада яқинлашуви, бир-бирининг миллий ўзига хослиги, урф-одат ва анъаналаридан яна ҳам кўпроқ хабардор бўлишига имконият яратади.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Майкл Матера иштирок этди.

(ЎзА).

• *Маҳаллаларимиз муаммолари*

ҲАЁТ ДОРИЛФУНУНИ

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ ШУКУР ТЕМУРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Шукур ака, маҳаллани бошқарув тизимининг таркибий қисми деб баҳоласак, хато қилмаймизми?

— Йўқ. Чунки улар бир-бирини бойитади, бирининг шаклланиши учун иккинчиси замин яратиб беради. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмагани кабн уларни ҳам бнр-биридан айри тутиш кўнгилсизликларни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов биринчи галда маҳаллаларни ривожлантиришга ҳамда уни кеиг томир ёйиб шаклланишига катта эътибор билан қарамоқдалар. Ўзбекистон давлати улкан дараҳт бўлса, унинг илдизлари маҳаллаларга бориб тақалади.

Маҳалла биз учун ёт иарса эмас. У пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоҳи Алайҳиссалом даврларида ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд. Биз уни фақат мустамлакачилик даврида бир оз унутдик, холос. Одамлар илгари ҳам ҳозиргидай гузар ёки маҳалла чойхоналарида йиғилишиб, тонготар суҳбатлар, кўнгилхушликлар қилишган. Улар шу орқали ёнатроф ҳамда кўча-кўйда қандай воқеа ва ҳодисалар бўлаётганидан хабардор бўлиб туришган. Маҳалла қадимда ахборот маркази вазифасини ўтаган. Уни йўқ қилишга уриниш асосан 20—30-йилларга тўғри келади. Маълумки, у даврлар тарихга қатағон даври сифатида кирган. Уч-тўрт киши ўтирган даврадаги гап дарров НКВД ходимларига етиб борган. Улар ҳам сопини ўзидан чиқариб сен нега ана у даврада ундай дединг, сен чойхонада нега бундай дединг, деб сўроқ-пурсиш қилмай қамаб ёки отиб ташлайверишган. Шундан кейин одамлар маҳалла тугул уйларида ҳам уч-тўрт киши бўлиб ўтиришдан юрак олдириб қўйишган. Ҳатто дўст дўстнинг уйига бориш тугул оила ёки қариндошларининг ҳолидан хабар олишга кўрқишган: «Мени ҳам унинг думи бўлса керак, деб қамаб қўяди», дейишган...

— Демак, маҳалла тамойилларига қайтиш ҳамда унинг унутилган имкониятларини қайтадан очиш шунчаки қилинган иш эмас экан-да.

— Ҳа, Президентимиз бекорга маҳаллага алоҳида эътибор қаратгани йўқ. Унинг замирида келажагимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мақсад ва муддаолар бор. Республикамизнинг барча минтақаларида маҳаллалар қайтадан ташкил этилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг қўмаги билан уларга бепул рўзғор буюмлари, кўрпа-тўшак, жой ажратилаяпти.

Маҳаллага қайтиш ўзлигимизга қайтиш билан баробар, деб ўйлайман. Чунки маҳалла бизга бировлар томонидан сунъий равишда тиқиштирилган удум ёки одат эмас. У, аксинча, миллатнинг руҳи, маънавияти, касб-корн ва миллий хусусиятлари эҳтиёжи сифатида шаклланган ижтимоий ҳодисадир. Шунинг учун уни ҳеч ким йўқота олмайди. Маҳалла бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Теран ва бақувват томирларимиздан қувват олади.



Маҳаллага қайтиш ва уни ривожлантириш мустақиллик ҳадя қилган энг улуғ неъматлардан бнридир. Биз истиқлол туфайли аста-секин барча қадриятларимизни тиклаяпмиз. Мустамлакачилар миллат устидан ҳукмронлик қилиш учун уни миллат қиладиган қадрнятларидан маҳрум қилишган эди. Биз бугун ана шуларни қайтариб олаяпмиз. Бу улкан бахт, деб ўйлайман.

— Бошқа жойда қандай билмадиму, лекин Тошкент шаҳрида маҳаллага жуда катта эътибор берилади. Битта қозон, битта ўчоқ, кўрпа-тўшак ёки уй-рўзғор буюми билан тўрт-беш минг кишилик аҳолининг тўй-маъракасини ҳеч бир қийинчиликсиз ўтказса бўлади. Бошқа жойларда эса ундай эмас. Агар бир киши маъракa қиладиган бўлса, унга ишлатиладиган барча асбоб-анжом ҳамда идиш-товоқларни ўзи сотиб олиши керак. Ҳозирги шароитда бу анча қийин. Битта пиёла фалон сўм турган пайтда тўй эгаси халққа ош-нон берсинми, идиш-товоқ сотиб олсинми, қайси бирига етади? Назаримда, Тошкент шаҳрида орттирилган ана шундай тажрибаларни республикамизнинг бошқа вилоят ва қишлоқларида ҳам оммалаштириш керакка ўхшайди.

— Жуда тўғри гапни айтдингиз. Тошкент шаҳрида бошқа жойларга нисбатан маҳаллалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Мирзо Улуғбек, Яккасарой, Собир Раҳимов районларида қозон-товоқдан тортиб, ҳатто тобутгача тайёр қилиб қўйишган. Мирзо Улуғбек районнни республика маҳаллалар тажрибасини ўрганиш ва ташкил қилиш марказига айлантириш ниятимиз бор. Марказда маълум муддатда семинар-кенгаш ўтказилиб турилади. Унда асосан яхши маҳалла ташкил қила олган маҳалла раисларининг тажрибалари оммалаштирилади. Маҳалла қўмитаси раиси ҳамда аъзолари келиб тажрнба орттириб кетишади.

— Бундан бир ой бурун қишлоққа борган эдим. У ерда ажойиб тадбир йўлга қўйилибди. Кўрнб қувондим. Илгари бир киши тўй қилса тўёна берган кишининг дастурхонига, агар аёл бўлса, бир ёки икки кийимлик газмол, эркагига тўн, яна бирон киши қўшилиб келса, унга ҳам бирои нарса солнб юбориларди. Қишлоқдошларим ўзаро келишиб, шу одатни бекор қилишибди. Тўёна берган одамга у ҳам эртага тўй ёки маърака қилса қайтариш эвазига ҳеч нарса олмайдиган бўлишибди. Тўйлар шу тахлит анча нхчамлашаяпти экан. Назаримда, келин олиш ёки қиз чиқарнш чоғндаги ортиқча чиқимларни ҳам бекор қилиш керакка ўхшайди. Халқимизда кўрпангга қараб оёқ узат, деган нақл бор. Биров қилган тўйини қилишга бировнинг қурбн етса, бошқа бир кишиники етмаслиги мумкин. Халқимиз бир оз ғурурли ҳамда ор-номусли эмасми, қўли етгани ҳам, етмагани ҳам бола-чақасининг насибасини қийиб ёки қарз-қавола қилиб бўлса ҳам элга одат бўлган тамойилни қилишаяпти.

— Яхши таклиф кнритдингиз. Тошкентда қиз чиқарадиган томон пешонасига мебель деган савдо битилган. Президент шуни назарда тутиб, келин-куёвларга арзон нархда уй жиҳозлари сотишга рухсат берган эдилар. Лекин, сиз айтгандай, ҳозирги пайтда унга ҳамманинг ҳам қўли етавермайди. Шу масалада ҳам жиддий бош қотириш керакка ўхшайди. Қолаверса, замонлар ўзгариши билан халқлар ҳаётида, расм-русуми, урф-одатида янгилик бўлиши, кимданднр нимани олиши, ҳатто нимасидандир ажралиб қолиши ҳам мумкнн. «Йўқ, у бизнинг миллнй қадриятларимиз, нима бўлса ҳам чидаймиз», деб ўз умрини аллақачон тугатган расм-русумлардан атайлаб воз кечмаслик жоҳиллик билан баробар, деб ўйлайман. У хоҳ ўзбек бўлсин, хоҳ ҳинду бўлсин, ким бўлишидан қатън назар, миллатни кўр-кўрона улуғлашдан йироқ туришимиз керак.

Миллат куч-қудрати одатда орқамиздан келаётган авлодларимизда кўрпангга қараб оёқ узат, деган нақл бор. Биров қилган тўйини қилишга бировнинг қурбн етса, бошқа бир кишиники етмаслиги мумкин. Халқимиз бир оз ғурурли ҳамда ор-номусли эмасми, қўли етгани ҳам, етмагани ҳам бола-чақасининг насибасини қийиб ёки қарз-қавола қилиб бўлса ҳам элга одат бўлган тамойилни қилишаяпти.

— Яхши таклиф кнритдингиз. Тошкентда қиз чиқарадиган томон пешонасига мебель деган савдо битилган. Президент шуни назарда тутиб, келин-куёвларга арзон нархда уй жиҳозлари сотишга рухсат берган эдилар. Лекин, сиз айтгандай, ҳозирги пайтда унга ҳамманинг ҳам қўли етавермайди. Шу масалада ҳам жиддий бош қотириш керакка ўхшайди. Қолаверса, замонлар ўзгариши билан халқлар ҳаётида, расм-русуми, урф-одатида янгилик бўлиши, кимданднр нимани олиши, ҳатто нимасидандир ажралиб қолиши ҳам мумкнн. «Йўқ, у бизнинг миллнй қадриятларимиз, нима бўлса ҳам чидаймиз», деб ўз умрини аллақачон тугатган расм-русумлардан атайлаб воз кечмаслик жоҳиллик билан баробар, деб ўйлайман. У хоҳ ўзбек бўлсин, хоҳ ҳинду бўлсин, ким бўлишидан қатън назар, миллатни кўр-кўрона улуғлашдан йироқ туришимиз керак.

Миллат куч-қудрати одатда орқамиздан келаётган авлодларининг тажрибалари оммалаштирилади. Маҳалла қўмитаси раиси ҳамда аъзолари келиб тажрнба орттириб кетишади.

— Бундан бир ой бурун қишлоққа борган эдим. У ерда ажойиб тадбир йўлга қўйилибди. Кўрнб қувондим. Илгари бир киши тўй қилса тўёна берган кишининг дастурхонига, агар аёл бўлса, бир ёки икки кийимлик газмол, эркагига тўн, яна бирон киши қўшилиб келса, унга ҳам бирои нарса солнб юбориларди. Қишлоқдошларим ўзаро келишиб, шу одатни бекор қилишибди. Тўёна берган одамга у ҳам эртага тўй ёки маърака қилса қайтариш эвазига ҳеч нарса олмайдиган бўлишибди. Тўйлар шу тахлит анча нхчамлашаяпти экан. Назаримда, келин олиш ёки қиз чиқарнш чоғндаги ортиқча чиқимларни ҳам бекор қилиш керакка ўхшайди. Халқимизда кўрпангга қараб оёқ узат, деган нақл бор. Биров қилган тўйини қилишга бировнинг қурбн етса, бошқа бир кишиники етмаслиги мумкин. Халқимиз бир оз ғурурли ҳамда ор-номусли эмасми, қўли етгани ҳам, етмагани ҳам бола-чақасининг насибасини қийиб ёки қарз-қавола қилиб бўлса ҳам элга одат бўлган тамойилни қилишаяпти.

— Айтнг-чи, шундай даврда мақсадсиз бирор иш қилиб бўладими? Агар кузатган бўлсангиз, жойларда маҳалла қўмиталарининг раиси асосан кексалардан таркиб топган. «Қарн билганнн пари билмайди» дейишганидек, халқ уларни ўзлари сайлашаяпти. Аслида бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Чунки бизда каттаннг гапи гап бўлиб келган. Катта бнр нима деса, кичик хўп деб бажарган.

Маҳалла қўмиталари жойларда ҳокимликка бириктирилган. Айрим районларда ҳар бир маҳаллага ҳомий тариқасида бир неча корхона бириктириб қўйилган. Улар маҳалланинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турншади: молиявий масалаларда кўмак беришади. Бу яхши натижа бераяпти. Кўп маҳаллалар уларнинг кўмагида нонвойхона, тўйхона қуриб олишди.

— Борди-ю, маҳалла тизими миллат ва халқларни бирлаштирадиган восита десам, янглишмайманми?

— Нимани назарда тутаётганингизни тушундим. Миллат учун маҳаллийчиликдан ёмон иллат йўқ. У қандай офат эканлигини қўшни давлатлар мисолида кўрдик. Одамни икки нарса: шодлик ва қайғу бирлаштиради. Шунданмн, тўй ёки сифатларни сақлаш ҳамда ривожлантиришни ўз ичига олган аниқ йўналишга эгами?

— Айтнг-чи, шундай даврда мақсадсиз бирор иш қилиб бўладими? Агар кузатган бўлсангиз, жойларда маҳалла қўмиталарининг раиси асосан кексалардан таркиб топган. «Қарн билганнн пари билмайди» дейишганидек, халқ уларни ўзлари сайлашаяпти. Аслида бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Чунки бизда каттаннг гапи гап бўлиб келган. Катта бнр нима деса, кичик хўп деб бажарган.

Маҳалла қўмиталари жойларда ҳокимликка бириктирилган. Айрим районларда ҳар бир маҳаллага ҳомий тариқасида бир неча корхона бириктириб қўйилган. Улар маҳалланинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турншади: молиявий масалаларда кўмак беришади. Бу яхши натижа бераяпти. Кўп маҳаллалар уларнинг кўмагида нонвойхона, тўйхона қуриб олишди.

— Борди-ю, маҳалла тизими миллат ва халқларни бирлаштирадиган восита десам, янглишмайманми?

— Нимани назарда тутаётганингизни тушундим. Миллат учун маҳаллийчиликдан ёмон иллат йўқ. У қандай офат эканлигини қўшни давлатлар мисолида кўрдик. Одамни икки нарса: шодлик ва қайғу бирлаштиради. Шунданмн, тўй ёки маъракa ўтказган одамлар дарров бнр-бирларига меҳру муҳаббат пайдо қилишади. Айниқса, «Дом» шароитида одамларнинг бнрлашиши анча қийнн кечади: гарчи бир жойда яшашса ҳам, ҳатто қўшнн-қўшнисини ким ва қаердà яшлашнни билмаслиги мумкин. Маҳалла қонун-қоидалари «дом»ларга ҳам кириб боряпти. Одамлар бир-бирини таныяпти, тўй ва маъракаларини биргаликда ўтказишаяпти.

— Назаримда, энди ЖЭК тизими эскирганга ўхшайди. Унинг ихтиёрига техник хизматни қолдириб, расмий ҳужжатлар билан яшлаш маҳалла комитетига топширилса қандай бўларкин? Бу билан, биринчидан, жойларда маҳалла комитетларига диққат-эътибор ортса, иккинчи томондан, ортиқча расмиятчилнкка барҳам берилган бўлур эди.

— Сиз фақат «дом» шароитини назарда тутаяпсиз, чоғи. Чунки эски маҳаллаларда кўп йиллардан бери сиз айтган тартиб амал қилади. «Дом»ларда эса унга энди ўтилаяпти.

— Чоризм ҳамда ундан кейинги истилолардан бизга жуда кўп «маданият» мерос бўлиб қолган. Улардан бири «Арақ маданнятн» деб аталади. Бир пайтлар арақ ичмаган одамни қолоқ ва маданиятсиз деб аташарди. Ёки уйингга бир меҳмон келса, иоз-неъматдан ташқари дастурхонингда арақинг бўлмаса ўтириш татимайдиган ва ҳатто айб саналадиган даражагача етиб қолдик. Шундай эмасми?

— Ҳақ гап. Тўйларни имконн борича спиртли ичимликсиз ўтказган маъқул. Чунки кейнngн пайтларда арақ сабаб бўлиб, тўйларда жуда кўп кўнгилсиз воқеалар содир бўлаяпти. Жиноятчилик ҳам асосан ичиш ва чекишга ружу қўйган шахслар чекнга тушаяпти. Сиз айтгандек, тезда унинг олдини олиш керак. Лекин ичкиликбозликка қарши курашни спиртли ичимликларни чиқазмаслик билан олиб бормаслик керак. Бу—хато йўл. Чунки аввал худди шундай йўл тутилган эди. Лекин у яхши натижа бермади. Уни онгли равишда йўлга қўйиш керак. Бу айниқса маҳалла комитетлари, кўпни кўрган оқсоқолларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

— «Маҳалла» хайрия жамғармасн айни пайтда қандай хайрли тадбирларни амалга оширмоқда?

— Жуда кўп.' Афсуски, уларни бу ерда бирма-бир санашнинг сира иложи йўқ. Лекин бир-икки рақам айтмасам бўлмас. Биргина Наврўз байрамида 200 мингга яқин онла йўқланди. Тошкент шаҳрида 50 дан ортиқ қарияларимизга дуоларини олиб, яхши ниятда тўн ёпдик. Наврўз байрами муносабати билан хайрия тариқасида республика бўйича 18 миллион сўм сарф-харажат қилдик.

— Маҳаллаларга эътибор барча вилоятларда бирдай, деб ўйлайсизми?

— Йўқ. Очиқ айтиш керак. Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида негадир жуда суст эътибор берилмоқда. Улар бу масалада Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидан ўрганишса ёмон бўлмасди.

— Ўзбекистон келажаги ёшларнинг қўлида, деб кўп гапирамиз. Шу мақсадда «Соғлом авлод учун» орденн ҳам таъсис этилди. Унга ҳозир маҳалла қўмиталари қандай эътибор қаратишмоқда?

— «Соғлом авлод учун» орденнинг таъсис этилиши мустақил республика тарихи учун улкан воқеа ҳисобланади. Уни амалда татбиқ этнш ҳамда фуқароларга қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш учун оммавий тарғибот-ташвикот ишларини олиб боришга тўғри келади. Шунинг учун биз ҳозир жойларда тез-тез ота-оналар билан келин-куёвларнинг юзма-юз мулоқотларини ташкил қилишни йўлга қўйдик. У келажакда ижобий натижалар беради, деб умид қиламан.

Фарзанд асосан оила бағрида шаклланади. У кунниинг маълум бир қисмида мактаб ёки боғчада бўлса, асосий вақти уй ёки ота-она кўзи ўнгида ўтади. Қуш уясида кўрганини қилади дейишганидек, агар оила қанчалик аҳил ва иноқ бўлса, ундан яналган фарзанд ҳам келажакда ортиқ бўлса бўладики, кам бўлмайди. Тўғри, тиббий хизматнинг ҳам алоҳида ўрни бор: соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Танадаги дардни дори-дармон билан тузатса бўлар, маънавиятимиздаги нуқсонларни-чи? Тезда тузатиб бўлармикин? Маҳалла қўмиталари ҳозир барча диққат-эътиборни ана шунга қаратишмоқда.

Президент Ислом Каримов оқсоқоллар билан суҳбатлашганда маҳалла — ҳаёт дорилфунуни, деб айтган эдилар ва оқсоқоллар бу фикрни тўла қўллаб-қувватлашувди. Бу фикр замирида эса жуда теран маъно бор.

«Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЕР суҳбатлашди.

• *Ажиб фазилатли кишилар*

АШИРБОЙ ЧАВАНДОЗ

Қилинган қабиҳ иш бир умр юракларни эзади, кўзлардан аччиқ изтироб ёшларини оқизади. Келинг, бу ҳақда ҳикоямиз сўнгғорғида гаплашсак...

Ғаллаоролдаги Узунбулоқ қишлоғи сойликда жойлашган. 60-йилларда бу ерларда улоқ чопиш айниқса авж олган эди. Бобоси Холмўмин билан кўпкаридан қайтаётган Аширбой, етти яшар бола, мактабга бориш учун ҳознрлик кўраётган дамлар. Неварасини ёнидан қўймай кўпкариларга олиб бориб юрган Холмўмин ака улоқдан қайтаётиб, қовжираган ўтлар ўртасида бирозгина дам олгиси келди. Энди ғалласи ўриб олинган майдонлардан эсаётган майин шабада кишининг кўзини элитади. Бобо билан невара шу алпозда уйқуга кетдилар. Орадан қанча ўтганини билмайди, Холмўмин ака отнинг безовта оёқ дупуридан, юзга урилган иссиқ нафасдан уйғониб кетди. Отнинг кўзи ой нурида ялтирар, гўёки нарёғнигта бир қара деяётгандай эди. Чавандоз атрофига қаради-ю, капалаги учиб кетди. Шундоқ ёнида йўғон бир илон типпа-тик турардн. Бир ташланса тамом, у ёғини эслаш даҳшат! Холмўмин ака қўлнни аста қирқма милтиғига узатди, кўзини нлондан олмасдан, ё тавваккал, деб тепкини босди. От илон йиқилган томонга қараб сакради, унинг пўлатдек туёқлари ўқ текан илонни топтарди. Ҳайрият, мўлжалга теккан экан.

Бу ҳақда бобо ва невара ҳеч кимга оғиз очишмади. Фақат эртасгна юз-кўзларига, лабларига учуқ тошиб кетган неварасининг кўкрагига туфлар экан: «Агар эгардан тушмаса, шу чавандоз бўлади», деб қўйди.

Бир оғиз гап бола ҳаётида қанчалик бурилиш ясашини тасаввур қилиш қийин эмас. Аширбой шу-шу отга меҳр қўйиб қолди. У айни навқирон пайтида бир тулпорни ўзига ўргатди. Отларда эшитиш, ҳид билиш, эгасининг овозини ажратиш сингари хусусиятлар бошқа жониворларга қараганда бирмунча тараққий этганини ҳис қилди. Ўша машъум воқеада ўзларининг халоскори от бўлганини бот-бот эслаб юрди. От эгасининг атрофидан кетмаслиги, қийин вазнятларда ёрдам беришини ўйлаб, тўрт оёқли бу вафодор ҳайвонни чин дилидан севиб қолди.

Йиллар ўтиб, Аширбой Қосимов ҳам Армияга хизматга жўнайдиган бўлди. Табийки, фарзандини кузатишдан илгари ота-она ўз яқинларини чақиради. Улар бўлажак аскар билан хайр-хўш қилишади. Омон-эсон бориб қайт, деб дуога қўл очишади. Кўнгли юмшоқлар кўз ёшини ҳам яширишмайди.

Йигит бўлиб қолган Аширбой ҳарбийга жўнар экан, қадрдон оти билан хайрлашгани оғилга борди. Қорабуян лақабли тулпорининг хомуш турганини, унинг кўзларидан шошқатор ёш оқаётганнни кўриб, Аширбой ҳам ўксиб, йиғлаб юборди. Отнинг калласини қучоқлади, лабларини бенхтнёр манглайига тегизди. Нега шундай қилаётганини ўзи ҳам тасаввур қилолмасди.

Аширбой хизматда юрган чоғларида ҳар бир хатида отини сўрар, унинг ҳолати ҳақида ёзинглар, суратини юборинглар, деб илтимос қиларди. Уйдагилар унга ҳақиқатни ёзишмас, отинг яхши, деб алдашарди. Ҳақиқатда эса 1974 йилларда отларга қирон келган, унинг отини ҳам сақлаб қолишолмади. Яширишдн, ўрнига бошқа мол олинг дейишди, йўқ, от гўшти тайёрловчилар уларнинг арз-додларига қулоқ солншмади. Думини, икки қулоғини кесиб, гўшт комбинатининг қассобхонасига киритиб юборишди. Жониворнинг сезгир эмасми, бўладиган воқеаларни олдиндан билар эди. Сел келиши, ер қимирлашидан бир кун илгари безовталаниб фалокатдан хабардор қилар эди.

Аширбой ҳарбийдан қайтиб келган куни юрагида қаттиқ оғриқ сезди. Хаҳ, отга ҳам шунчами, дегувчилар бўлди.

Сизга ёлғон, бизга чин, Аширбой ака мана шулар ҳақида сўзлар экан овози титради, томоғига бир нарса тиқилгандай ўнқичоқ тутиб колди. Қарасам, унинг кўзларида ёш... Нима деб ҳам далда бераман, юқорида айтганимиздай, қилинган қабиҳ нш бир умр кишининг ёдидан чиқмас экан!

А. Қосимов ҳозир Пахтакор туманидаги Кичанов номли давлат хўжалигида ижарачилар раҳбари бўлиб ишлайди. Пахта етиштиради. Лекин отчиликка бўлган иштиёқ, бу жониворга бўлган меҳр уни ҳамиша шу соҳани ривожлантиришга ундаб туради. Ҳозир унинг шогирдлари 30 нафардан ошиб кетган. Хўжалик ҳудудидаги Ҳамза номли мактабда ёшларни улоқ чопишга ўргатмоқда. Улоқ чопиладиган майдон мавжудлиги ҳам чавандозлар сафининг кенгайиши учун айни муддао бўлмоқда. Кўпкарнга от тайёрлаб берадиган фермерликларнинг ташкил этилаётганлиги хўжаликда отчиликнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсата бошлади. Айни кунда хўжаликда 70 га яқин чопқир от бор. Теварак атрофда тўйлар улоқсиз ўтмайди. Бу ишларда Аширбой Қосимовнинг хизматлари ҳам катта.

— Отларни фақат улоқ чопиш учун асраяпмиз десак, масаладан узоқлашиб кетамиз, — дейди у. — Бугунги бозор шароитида от ҳар жиҳатдан асқотиши мумкин. Техникалар ёнилғи-мойлаш материаллари йўқлиги туфайли тўхтаб қоляпти. Энди от-аравалардан фойдаланишимиз керак. Омоч ва қўшларни ҳам унутиб қўймайлик. Ота-боболаримиз от кўшилган извошлар минишган, салт миниб узоқ жойларга сайр қилишган. Ҳозир ҳам шу тажрибаларни қўлласак зиён қилмайди.

Шу ўрнида Бахмал туманидаги Абдувоҳид Ҳусанов номлн давлат хўжалиги раҳбари Маматқул Кунишевнинг гапларини эслаш ўринли.

— Биз хўжалигимиз раҳбарларига от минишни тавсия қилдик, — дейди у. — Автомашиналарни фақат узоқ йўлларга ишлатаяпмиз. Шундай қилмасак топганларимизнинг ҳаммаси ёнилғига сарф бўлади. Иқтисодни ўйлаб иш юритадиган вақтлар келди.

Отчиликни ривожлантириш масаласини кун тартнбига қўйяпмизу Аширбой сингари чавандозларнинг олиб бораётган ишлари билангина мақсадга эришиш мумкнн эмаслигини ўйлаб кўнглимиз чўкади. Бизнингча, бу соҳанн ривожлантириш учун аввало ана шу жониворларга ншқибоз, фидойи инсонларга муносабатнн ўзгартиришимнз, отлар билан савдо қиладиган махсус бозорлар ташкил этншимиз керак. Ҳозир одамлар отни хоҳлаган жойда сотиб юришибдн. Фақатгина шу билан иш битадими? Йўқ. Отга эгар керак, нўхта керак, борингки, ултондан эшиладиган қамчигача ўйлашимиз зарур. Айниқса, отчилкнинг насли ҳақида жиддий бош қотирадиган вақт келди. Жаҳонга довруғи кетган қорабайирларимизнинг шуҳратини қайта тиклашимиз лозим. Қани энди қишлоқ хонадонларининг ҳар бирида от бўлса...

Майдонда шамолдай елиб бораётган отларни томоша килиш қанчалик мароқли. Ана, тумонат одамларнинг қийқирнқлари остида доирага улоқни ташлаган чавандоз соврин олишга интиляпти. Бу номдор полвон Аширбой Қосимов бўлади. «Ана Аширбой, ана Аширбой» деган гапларни ашитмайди. Чунки у ҳозир отнинг устида эмас, осмону фалакларда учиб юрибди...

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

• *Ижтимоий ҳимоя*

«ИШОНЧНИ ҚАНДАЙ ОҚЛАЯПМИЗ?..»

Ҳаёт шу: фасллар алмашиши каби ёшлик йилларини қарилик эгаллайди. Энди қариялар учун асосий меҳрибон ижтимоий таъминот идоралари бўлиб қолади. Ногирон одамга эса, у қарими-ёшми, шу маскан ғамхўрдир. Ҳар куни юзлаб фуқаролар бизнинг идорамизга ўз дарду ҳасратлари билан интилишади. Улар келишяптими, демак бизга умид қилишади, ишонишади. Ана шу ишончни қандай оқлаяпмиз? Мен бугун бу сўровга кўнглим тўлиб жавоб бера оламан.

Фуқароларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Бўлим қошида «Ғамхўрлик» маркази бор. У орқали 448 кишига ёрдам кўрсатилмоқда. Булар кимлар? Аввало, кимсасиз кишилар, боқувчиси йўқ одамлар...

Ҳеч ким ёлғиз қолмасин экан. Ёлғизлик фақат яратганга хос, деб бежиз айтишмайди. Демак, ҳаётда сафдошинг, бола-чақанг, яқинларинг бўлгани яхши. Аммо ҳаёт қани энди сенинг изминг билан давом этса... Ёлғизлар, ногиронлар, ётиб қолганларни парвариш қилиш учун ҳамширалар тайинлаганмиз. Уларнинг ҳар бирига ойда 371 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

Нафақахўрлар орасида Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ногиронлари борки, уларга яратилган шароит ҳам кўнгилдагидек. Фахрийларнинг автомашиналари учун ойига 50 литрдан ёнилғи тақсимланади.

Ногиронларга икки йилда бир марта бепул йўлланма берамиз. Улар саломатликларини тиклаш мумкин бўлган жойларга бориб даволаниб қайтишади. Мободо кўзлаган жойига боролмаса, ўша йўлланма ҳақи қоплама йўли билан фахрийга берилади. Уруш ногиронлари, ҳалок бўлганлар оилаларига уйларини таъмирлаш учун минг сўмгача ёрдам пули тарқатилмоқда.

Фақат ногиронлар эмас, нафақахўрларга ҳам ҳукуматимиз томонидан кафолатланган имтиёзлар тўлатўкис етказилмоқда. 1941-1945 йиллар давомнда ишлаган фуқароларга шаҳар транспортида бепул юриш, электр энергия ва газ тўловларини тўламаслик имтиёзлари яратилган.

Кўриниб турибдики, ишлар тигнз. Хўш, шаҳар бўйнча қанча фуқаро бизнинг хизматимиздан наф кўряпти? Ҳнсоб-китоб қилсак, 47 минг 151 пенсионер, мингдан зиёд уруш иштирокчиси, 681 нафар уруш ногирони, 22 чернобилчи, 13 байналмилалчи жангчи бор экан.

Ҳаёт-да, беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳамманинг ҳам турмуш тарзи бир хил эмас. Ҳурматли Президентимиз, ҳукуматимиз раҳбарияти бугунги оғнр шароитда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйнча қатор хайрли ва савобли ишларни амалга оширмоқда. Кўпдан-кўп қулайлик ва шароитлар яратилмоқда. Фуқаролар яратилган бу имтиёзлардан ўз вақтида баҳраманд этиш эса бизнинг эзгу муродимиздир.

Рустамжон УМАРОВ,
Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Жарқўрғон туманининг Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги боғбонлари Тошкент аҳолисига 100 тонна «Ғисор» навли узумнинг дастлабки ҳосилини етказиб бердилар. Бу ерда узумзорлар «Боботоғ» этакларидаги 400 гектар майдонни эгаллайди. Тоғ олдида етиштирилаётган узумлар ўзининг ширинлиги, сифати ва тўйимлилиги билан ажралиб туради. Боғбонлар узумининг эртапишар навидан ташқари бошқа навларини ҳам етиштирмоқдалар. Улар бу йил 3000 тоннага яқин узум ҳосили йиғиштириб олиш ниятидалар.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) узум терувчилар Матлуба Очилдиева, Абдумурод Азимов ва Муҳаббат Азимовалар.

Ҳ. ХЎЖАЕВ олган сурат.

• *Акс садо*

ЯНА ИТЛАР ҲАҚИДА

Газетамизнинг шу йил 2 июль сонида «Бир фермaнинг сутини «ўмараётган» эркатой итлар» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда шаҳримиз аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган масала — итлар машмашаси, уларнинг бургадан-да тез уруниб, жамиятимизга етказаётган иқтисодий-маънавий зарарлари қаламга олинганди. Бунга жавобан биз бир ой давомнда Тошкент шаҳар ҳокимиятидан ҳеч бир хабар эшитмасак-да, муштарийларимиздан бир қанча мактублар олдик. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Мен маҳалламиз комитетида раисман. Газетада эълон қилинган мақола кўнглимдагидек иш бўлди. Чунки бу масаланн биз ҳам бнр неча бор муҳокама этдик. Узоққа бориб нима қиламан. Шахсан ўзим яшайдиган «дом»нинг карийб ҳар бир хонадонида биттадан ит бор. Ёнимиздаги кенгроқ майдончага умуман оёқ босиб бўлмайди, итлар... Эгалари ўз маҳлуқларини маълум вақтларда шу ерга, яъни «дом» атрофига олиб чиқишади. Касалликнинг кўпи ана ўша ифлосликдан келиб чиқади. Шу инсофданми ахир? Яна денг, айрим хонимлар магазинга ва ҳатто нон дўконларига ҳам ит етаклаб киришади. Итни силаб-сийпаган қўли билан нонларни ушлаб кўрадилар. Бу гигиена қоидаларига умуман тўғри келмайди. Истагим, имкони бўлса «дом»да ит сақлаш қонун йўли билан тартнбга келтирилса. Ёхуд итлар учун махсус жойлар ташкил қилинса.

Мирҳомид ота МИРҲАЙДАРОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, Мирзо Улуғбек тумани.

* * *

Мақолада айни кўнглимиздаги гаплар айтилган. Дарҳақиқат, ҳозир қаерга қарама, ит етаклаган одамга кўзинг тушади. Ҳатто гўзал хиёбонларимиздаям уларнн кўплаб учратиш мумкин. Биз «ит сақлаш гуноҳ, уни қириб юбориш керак» демоқчимасмиз. Тўғри, ит жониворларнинг ичида инсон учун энг вафодори саналади. Кенгроқ ҳовли бўлса, бир бурчига итга махсус жой қилиб уни парваришласанг, эркалатсанг қандай яхши, лекин «дом»да сақлаб вақтибемаҳал жамоат жойларига олиб чиқнб, у ерларни ифлос қилиш, одобдан эмас. Бунинг устига мақолада келтирилганидек, гўдакларни жароҳатлаётганлигини кечириб бўлмайди...

Йўлдош ота ВОБОЖОНОВ,
биринчи ва иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат ва уруш фахрийси, Мирзо Улуғбек тумани.

* * *

Таклифим — умуман «дом»да ит сақлашни тақиқлаш керак. Чунки ит билан бир уйда яшаш, у билан бирга ҳавоси сиқилган хонада нафас олиш, ваннада чўмилиш кўплаб касалликларга сабаб бўлади. Мен участка шифокоримэн. Шунинг учун тасарруфимдаги уйларга шахсан кириб, одамлар соғлиғини текшириб чиқаман. Ишонтириб айтаманки, ҳар бир хонадонда ит бор. Кўнғироқни боссанг эшикдан соҳибидан олдин ити мўралайди. Хуллас, бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Ахир беш ой ичида 200 га яқин бола итдан жароҳатланиши... Бу ҳалн битта касалхона атрофидаги гап. Тошкентда эса ўнлаб бунақанги касалхоналар бор.

Тўлқин РУСТАМОВ,
Чилонзор тумани, 30-мавзе.



БИР ТИЛАК УМИДИ— ҚЎЛ ЕТМАС ЮЛДУЗ.

БИР ТИЛАК...

Юрагим ёнмоқда бугун, онажон,
Сатрларим олов, ловуллаган ҳис.
Бир тилак дардида қоврилади жон,
Бир тилак умиди — қўл етмас юлдуз.
Мен сизга нё тилай, талгинам куяр,
Қарздор бўлиб қолган кўп тилакларим.
Нурли, нурсиз кунлар дилгинам
суяр —
Изоҳларим қолган чалажон, ярим.
Мен сизга не тилай, соғ-омонликми,
Қадди расоликми, ё дардсиз юрак?
Номингизда жам-ку фалакнинг ҳукми,
Онасиз, бекасиз, хизматда ҳалак...
Ростдир, жонингизнинг темирлиги
рост,
Заҳарли шамоллар юлолмаган гул.
Яшаянсиз қайғу-ғамга қасдма-қасд,
Яримта Вахтларга кўникиб беун.
Онажон, мен сизга не тилай, айтинг,
Токи осмонингиз қолсин бегубор.
Айтинг, кўнглингизга сиғмас қай
байтим?
Йўқса бу илтижо, ибодат бекор.
Вилдим, биляпман, ногоҳлар тўкkан
Интиқ дил истагин — ягона бахтим.
Кўрдим, кўраяпман ташвишга бўккан
ОРОМ, ХОТИРЖАМЛИК деган
зўр тахтим.
Лек лолман, у кўзлар қуёши қай тонг
Валқиган орзулар самовотида?
Тилайман мен сизга БАРДОШ,
онажон,
Тилайман МАТОНАТ аёл зотига!

ТАҚДИР

Табиат азалдан жуда танти-да:
Гулга гўзалликни бахшида этган.
Оҳуга шаҳло кўз, шамга ўтли рўз,
Дарахт насибаси ҳосилга ўтган.
Ҳаётнинг-чи, бори ғазабга тўлиқ.
Етти иқлим бўлиб фармони кетган
Илло, тароватли соҳибжамол гул
Узилиб, ҳуснининг азобин ютган,
Оҳу манглайига шаҳло кўз учун
Энг охирги ҳукм — ўлимин битган.
Шам эса бир умр ўтга дил бериб,
Охир оқибатга у билан етган.
Дарахтнинг чекинга энг оғир таҳқир,
Орзу-умидлари кўксини йиртган —
Ширин фарзандлари — меваларин у
Тош отган кимсага ҳадя ҳам этган.
Хўш, биз-чи, инсонлар не олиб, ени
Дўндирдик ҳаволар ноликай кетган?..

ЙЎҚЛОВ

Марҳум дадам Низомхон
Фахриддинов хотирасига
бағишлайман.

Юракда дардларим тўлиб кетди-ку,
Кўзимни соғинчнинг тиғи йиртди-ку?!
Етаклаганича хотирни, ёҳу,
Изларингиз қувиб йўллар йитти-ку?
Сиз йўқсиз, Ота...
Ноламдан чашмалар кўзи тўла ёш,
Ҳасратим ўтида ёнмоқда Қуёш.
Бемажол руҳимга бўлиб елкадош
Йиғлаётир Умид — алданган Бардош.
Сиз йўқсиз, Ота...
Очиқ эшикларнинг кўзи йўлдадир,
Мунгли нигоҳингиз ўнгу сўлдадир,
Исмингиз қалб номли қалъа —
элдадир,
Аммо соғинч, армон шеърда,
тилдадир,
Сиз йўқсиз, Ота...

НИГОҲЛАРИМ— ЭЛЧИМ МЕНИНГ

Деразамга осиладн тунниинг нардаси,
Хаёлларнинг қуршовида ўртанади дил.
Юлдузларнинг қиқирлаши — юрагим
саси,
Мени чорлар жўр бўлгин, деб
масрур ва дадил.
Сени ташлаб, хаёлингдан кетай йироқ,
Юлдузларга қўл бераман,
нигоҳлар — элчи.
«Унутмоқлик» қатъий қасдга
айланар, бироқ
Юлдузларнинг боқишлари
ўтирлар тинчиб...
Нигоҳларим — элчим менинг,
элчим менинг,
Қайда қолди тинчим менинг,
тинчим менинг...

СОҒИНЧЛАРИМ

Соғинчларим учқур қушга айланди,
Айланди-ю, сафар сари шайланди.
Полапоним, шиддатингдан ўргилай,
Умидларим қанотингга бойланди.
Қўлла мени юртим йўллари билан,
Гулу гиёҳ, ирмоқ, қўлларн билан,
Йўлларингни ёритган у жуфт чақин—
Нурдир, онам кўзларидан тўкилган.
Шу кўзларнинг ёғдусига дил муштоқ,
Далда берар куйларига дил муштоқ,
Тезроқ учгин, полапоним, уч тезроқ,
Соғинчларим тавсифига тил муштоқ...

Санобар ФАХРИДДИНОВА.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистан Республикаси Давлат пробир назорати инспекцияси вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва хусусий шахсларга қуйидаги хизматларни бажаришни маълум қилади:

1. Заргарлик, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маҳсулотларни ва бошқа буюмларни техник текширувдан (экспертизадан) ўтказиш.
2. Пробирлаш тамғаларининг нусхасини техник текширувдан (экспертизадан) ўтказиш.
3. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни олиш, сарфлаш, фойдаланиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ҳисоб-китоб масалалари бўйича кўрсатмалар бериш.
4. Ҳар қандай манбалардан ҳосил бўладиган қимматбаҳо тошларнинг ва қимматбаҳо металлларнинг чиқиндисини тўлиқ йиғиб олиш, ҳисобга олиш ва Республика жамғармасига (фондига) топшириш ишлари бўйича кўрсатмалар бериш.

Хусусий шахсларни қабул қилиш соат 9.00 дан 10.00 гача.
Маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин:
Тошкент шаҳар, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 49.
("Марказий офицерлар саройи" боғи қаршисидаги "Истиқлол" (эски "Коммунистик") шоҳбекати).
Телефон 33-60-82, 32-02-53.
Автобуслар: 91, 92 "Марказий офицерлар саройи" бекати
9, 167, 135 - "Истиқлол" шоҳбекати
Тролейбуслар: 1,8, 10 - "Марказий офицерлар саройи" бекати
4, 18 - "Дўстлик" меҳмонхонаси бекати.

Екатеринбург шаҳридаги Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Свердловск вилоят бўлимининг "ОПЫТ" бирлашмаси

СОЮЗ ВЕТЕРАНОВ АФГАНИСТАНА
"ОПЫТ"

Сизга ўз маҳсулотларингизни сотиш учун қулай имконият яратиб беради:

- рэкетдан 100 % ҳавфсизликни таъминлашга кафолат берилади;
- ҳамма қулайликлари билан меҳмонхоналар;
- омбор бинолари;
- амалий ва маданий ташрифлар учун автотранспорт ажратилади;
- ваколатхона хизматлари кўрсатилади;
- катта юк машиналари учун тўхташ жойи тайёрланади;
- маҳсулотлар учун ҳақлар 3 кун ичида нақд тўланади.

Буларнинг ҳаммаси маҳсулотларингизнинг Екатеринбург бозорида сотилган нархининг 15 % ҳисобига.
Бизга дархол қўнғироқ қилинг, бизда Урал бозорларидаги нархлар тўғрисидаги кундалик маълумотлар бор.

Алоқа телефонлари: 8(3432) 57-18-16, 51-91-08, 51-65-04
Тошкентдаги ваколатхонамиз: Қуйлик массиви-2, 3а-уй. Телефон: 90-23-93

"ТОШҚИШМАШ"

ФАҚАТ БИЗДА - СИЗ УЧУН !

"Тошқишмаш" ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош биносида жойлашган фирма магазини кооперативлар, ижара корхоналари ва ҳамма учун кичик ҳажмдаги техник воситалар турларини ҳавола этади.
Фақат биздагина бўладиган нархларда ёғочни қайта ишловчи, универсал йўниш станокларини, уруғларга ишлов берувчи мосламаларни, қўл араваларини, сантехника ва бошқа деталлар, автомобил эҳтиёт қисмларини харид қилишингиз мумкин.
Сиз ўзингизга керакли нарсани магазиннинг ўзида танлаб олиш ёки 68-03-31 телефони орқали буюртма беришингиз мумкин.



ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ, СИЗНИ КУТАМИЗ !

Манзилимиз: Тошкент, Хамза кўчаси, 2
"Тошқишмаш" биноси.
Телефон: 68-03-31.

● ҲОДИСА

ЕТТИНЧИ ЎҚ

Қирғизистон Республикаси ўз валютасига ўтиши муносабати билан муомаладан чиқарилган рубллар бизнинг республикамизга оқиб кела бошлади. Биргина Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларини қўшни республика билан 120 дан ортиқ катта-кичик йўллар боғлаб туради. Ҳозир уларнинг ҳаммасини божхона, ички ишлар ходимлари, ҳушёрлик билан қўриқлаб турибди.

Лекин назорат постларида фақат чайқовчилар, олибсотарлар, турли хил шарпалар эмас, жиноятчилар ҳам пайдо бўлиб қолишмоқда. Ўш вилоятининг Учқўрғон қишлоғини Қувасой шаҳрига боғловчи овлоқ йўлда шаҳар ички ишлар бўлими йўл назорати хизмати ходими, сержант Қаҳрамон Мусинов билан назоратчи ходим Алижон Холбўтаев хизмат вазифаларини ўташаётган эди. Ярим тунда уларнинг қаршисида оёғида туролмайдиган маст ҳолатдаги учта шарпа пайдо бўлди. Уларнинг «сардори» (кейинчалик маълум бўлишича) Қувасойдаги «Кварц» корхонаси ишчиси Баҳодир Ҳотамқулов қилдан қийиқ ахтара бошлади. Бу йўлни назорат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, айниқса, унинг илгари ҳам судланишида ички ишлар ходимлари сабаб бўлганлигини рўкач қилиб, Қаҳрамонни дўппослай кетади. Ҳамтовоқларига хизматчининг таъзирини беришни буюради.

Кўзи қонга тўлган Баҳодирнинг чангалидан қутилган Қаҳрамон постдаги шеригига ёрдамга отланди. Безорилардан ҳаракатларини тўхтатишни, акс ҳолда қуролни ишга солишини айтиб, огоҳлантиради. «Тунги меҳмон»лар буига ҳам эътибор беришмайди. Шунда Қаҳрамон пистолетдан осмонга қарата олти марта ўқ узди. Инсоний қиёфасини йўқотган Баҳодир яна Қаҳрамонга ташланиб, уни чалиб ерга йиқитади. Шундан сўнг Қаҳрамон ўзини ва ҳамкасб дўстини ҳимоя қилиш учун еттинчи ўқни жиноятчига қарата отишга мажбур бўлади.

Қаҳрамон яраланган безори ва дўпосланган ҳамкасбини йўловчи мотоциклда шаҳар шифохонасига олиб келади, бўлган воқеадан ички ишлар органларини хабардор қилади. Безори касалхонада вафот этди. Унинг ҳамтовоқлари тезкор гуруҳнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қўлга олинди.

Қувасой шаҳар прокуратураси мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатди.

Набижон СОВИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



СОЙ БЎЙИДА... Т. Ҳамроқул олган сурат.

● *Таэквандо*

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР—УЧИНЧИ

ҲАМЮРТИМИЗ Баҳром Қулаҳмедовнинг Москвада бўлиб ўтган таэквандоннинг спарринг турн бўйича жаҳон чемпионатида ғалаба қозонганлиги ҳақида аввал хабар қилган эдик. Бизга маълум қилишларича, яна бир ҳамюртимиз, 16 ёшли Леонид Ли ҳам махсус машқларни намойиш этишда жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Юрий Пяк эса «бронза» медаллик бўлди. Ушбу тур бўйича ўсмирларимиз жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Спарринг бўйича 70 кг вазнда қатнашган вакилимиз Вячеслав Ким ҳам «бронза»га сазовор бўлди.

Умумий ҳисобда вакилларимиз биринчи жаҳон чемпионатидан 2 та «олтин», 2 та «кумуш» ва 4 та «бронза» билан қайтдилар. Бу Ўзбекистон таэквайдочиларининг жаҳон чемпионати якунига кўра учинчи ўринни эгаллашларн имкониятини берди. Вакилларимизни ушбу мусобақага тайёрлаган мураббийлар Эдуард Ли ва Геннадий Ханларни юксак ғалаба билан табриклаймиз.

● *Кураш*

ОЛТИН МЕДАЛЬ ОЛИШДИ

КЕЙИНГИ пайтда Ватанимиз спортчиларининг жаҳон чемпионатида зафар қучаётганлиги ҳақидаги хушхабарлар кўпаймоқда. Боксчи Ҳикматилла Аҳмедов, фристайлчи Лина Червязова, штангачи Александр Манушев, таэквандочилар Баҳром Қулаҳмедов, Леонид Ли, Наталья Нам, шоҳмотчиларимиз ҳамда самбочи ва карате-дзюдочиларимизнинг жаҳон майдонидаги муваффақиятлари бизни албатта қувонтиради. Улар сафига эндиликда курашчиларимиз: тошкентлик Рамил Исломов, наманганлик Таймуроз Урусов ва Наврўз Усмонов ҳам қўшилди. Р. Исломов (57 кг) ва Т. Урусов (74 кг) эркин кураш бўйича Грецияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида «олтин» медаль соҳиби бўлишди. Курашнинг бу тури бўйича юртимиздан мураббий Маъмуржон Рўзиев бошчилигида бор-йўғи 4 нафар спортчимиз жўнаб кетган эди. 48 кг оғирлик бўйича биринчиликда қатнашган А. Очиловнинг бешинчи, А. Супаровнинг (60 кг) олтинчи ўринни эгаллаганликларини қайд этадиган бўлсак ,бу юртимиз спортчиларининг катта ютуғидир.

Агар собиқ Иттифоқ мавжуд бўлганда ушбу спортчиларимизнинг терма жамоа сафидан ўрин олиши ҳам даргумон эди.

Греко-рим кураши бўйича шу мамлакатда бўлиб ўтган дунё биринчилигида яна бир вакилимиз, самарқандлик мураббий Алексей Линнинг шогирди Наврўз Усмонов (57 кг) «кумуш» медали билан тақдирланди. Албатта, биз спортчиларимиз эришаётган муваффақиятларидан қувонамиз. Лекин спортчини иқтисодий муаммолардан ҳолос этиб, шу майдонларга олиб чиқаётган ҳомийларни, жонкуярларни ҳам унутмаслик лозим. Шу маънода курашчиларимизнинг муваффақиятларида кураш федерациясининг президенти А. Рўзиев ва Самарқанд олимпия мактабининг директори С. Амриддиновларнинг ҳам меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Уларнинг елиб-югуриши туфайли спортчиларимиз жаҳон майдонига чиқдилар. Спортчиларимиз шу меҳнатларига муносиб муваффақият қозонишдики, биз уларни табриклаймиз.

Р. ЖУМАЕВ.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдукаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирвкмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандақпор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев,
навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—441. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 22.00.
Узбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6